

Қардошлик ва ҳамжиҳатлик йўлида



Kazinform. Астана шаҳрида Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан музокаралар ўтказди. Учрашув ҳақида Ақурда матбуот хизмати маълум қилди.

Мулоқот чоғида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Давлат ташрифингиз доирасида Сизни Қозоғистонда кутиб олиш мен учун юксак шарафдир, — деди Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев. — Бу мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва қардошлик ришталарини мустаҳкамлаш нуктаи назаридан муҳим воқеадир. Қозоғистон ва Озарбайжон нафақат дўст давлатлар, балки қон-қариндош халқлардир. Шу боис кўп қиррали ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида Озарбайжон халқаро майдонда нуфузини янада мустаҳкамлаб, минтақада муҳим ўрин эгаллаётгани биз учун ҳам қувонарли ҳолатдир.

Музокаралар давомида икки томонлама савдо-иқтисодий, сармоявий, қишлоқ хўжалиги ҳамда транспорт-транзит соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳам ўз навбатида Қозоғистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни юксак баҳолади:

— Бугун Қозоғистон барқарор тараққиёт йўлидан илдам одимламакда. Сиз амалга ошираётган ислохотлар ва янгиланиш жараёнларини катта қизиқиш билан кузатиб бораёلمиз. Биз бу сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Икки мамлакат муносабатлари стратегик иттифоқчилик асосида ривожланмокда. Бугунги музокаралар ва Олий давлатлараро кенгаш йиғилиши доирасида биз ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаб оламиз, — деди Илҳом Алиев.

Учрашув чоғида маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, минтақавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталари келгусида ҳам изчил равишда мустаҳкамланишига ишонч билдирдилар.

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 23 октябрь, пайшанба, №114 (3615).

Янги давр – янги имкониятлар

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ТЕЛЕКЎПРИК ОРҚАЛИ KIA QAZAQSTAN АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Kazinform. Давлат раҳбари мазкур лойиҳа мамлакат машинасозлик соҳаси тараққиётидаги муҳим қадам эканлиги ва Қозоғистон саноати салоҳиятини юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда миллий иқтисодийётни ранг-баранглаштириш йўлидаги амалий натижа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Қ. Тўқаев “KIA Corporation” президенти Хо Сунг Сонгга миннатдорчилик изҳор этиб, томонлар ўртасидаги самарали ва манфаатли ҳамкорлик изчил равишда мустаҳкамланаётганини қайд этди.

— Бугунги муҳим воқеа Қозоғистон ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг ёрқин намунасидир, — деди Давлат раҳбари. — Корея — Осиё минтақасидаги ишончли ҳамкоримиз. Мамлакатимизда 800дан зиёд корейс компаниялари муваффақиятли фаолият юритмокда. Автомобилсозлик эса бу ҳамкорлиқнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Янги заводнинг ишга туширилиши — ўзаро ишонч ва истиқболли ҳамкорлиқнинг амалий ифодасидир.

Рамзий жиҳатдан “KIA” сўзи икки маънони ифодалайди: “Юксалиш” ва “Осиё”. Бу компания ҳақиқатдан ҳам Осиёнинг янги иқтисодий юксалиши ва янгиланишининг ёрқин тимсолига айланди.

— KIA — келажак корпорациясидир, унинг автомобиллари илғор технологиялар, замонавий дизайн ва ишончликни уйғунлаштиради, — деди Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев.



“ Кун иқтибоси

2025 йил якунлари бўйича олинган маълумотлар фуқароларнинг этнослараро сиёсатга бўлган ишончи юксак эканлигини яққол кўрсатди.

Тадқиқот натижасига кўра, аҳолининг 95 фоиздан ортиғи мамлакатдаги этнослараро вазиятни барқарор ва қулай деб баҳолаган. ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги матбуот хизмати таъкидлаганидек, бундай ижобий ҳолат миллатлараро ҳамжиҳатлиқни янада мустаҳкамлаш, жамиятда ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини сақлашга хизмат қилади.

ИСТИҚЛОЛ, ИФТИХОР, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



1991 йилда халқ ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу кун — озодлик, миллий тикланиш ва янги тарихнинг дебачаси бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида Қозоғистон жаҳон саҳнасида ўз сўзи ва сиймоси билан намён бўлди. Давлат мустақиллиги мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида янги босқични бошлади: иқтисодда — ислохотлар, сиёсатда — шаффофлик ва очик мулоқот, маънавиятда — юксалиш даври ҳукмрон.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев илгари сурган “Адолатли Қозоғистон” ғояси бугун янги жамият қуришнинг асосига айланди. Унинг сўзлари билан айтганда, “ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва озод инсон маънавияти” янги тараққиётнинг пойдевориغا айланмокда.

Бугун Қозоғистонни 180 дан зиёд давлат расман тан олган, ўнлаб давлатлар билан дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган. Астана халқа-

ро мулоқот майдонига айланиб, нуфузли ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этмокда.

Эндиликда Қозоғистон халқаро сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, минтақада барқарорлик ва тинчликнинг кафолатчисидир.

Истиқлолнинг асосий ютуғи — иқтисоддаги изчиллик ва инсон манфаатларига йўналтирилган сиёсатдир. Қозоғистон иқтисодиёти бозор қонунларига асосланган ҳолда ривожланмокда. “Янги Қозоғистон” дастурларида адолатли рақобат, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, экспортни ранг-баранглаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Президент Тўқаев таъкидлаганидек, “Ҳар бир фуқаро ўз меҳнати билан юрт тараққиётидан муносиб улуш олиши лозим”. Бу ғоя давлат сиёсатининг маънавий асосига айланди.

Қозоғистонда миллатлар ва конфессиялар тотувлиги — энг катта бойлиқдир. Бу — тарихдан келаётган эзгу анъана, келажакнинг кафолати.

Адолатпарвар фуқаро ўз юрти тақдири учун масъул. Бу фикр ҳар бир қозоғистонлик қалбида мужассам.

Бугун мамлакатда янги сиёсий маданият шаклланимокда: кўппартиявийлик, очик мулоқот, парламент ислохотлари, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки тобора фаоллашмокда. Ушбу жараён халқнинг онгли фаоллиги, ватанпарварлиги ва ижтимоий масъулиятини оширмокда. Бу юртнинг келажаги фарзандларининг фидойи меҳнати, адолатга эътиқоди ва миллий ифтихори билан ёрқиндир.

МУСТАҚИЛЛИК ИНЪОМЛАРИ

ИФТИХОР

Мустақиллик — халқимиз ўз йўлини, қиёфасини топган куннинг ифтихори. Ўтган йиллар мобайнида Қозоғистон турли синовлардан ўтди. Давлат мустақил сиёсий йўлни белгилади, миллий иқтисодиёт ва фуқаролик жамияти шаклланди. Ҳар бир фуқаро “Биз мустақилликка нима бердик?”, деган саволни ўзига бера бошлади — бу онгли фуқаролик ва ўзлиқни англашнинг намунасидир.

БАХТ

Мустақиллик халқнинг бахти, фахри ва гуруридир. У инсон қалбидаги эрк туйғусини уйғотди, меҳнатига ишонч бағишлади. Бугун илм-фан, маданият ва санъат янги босқичга кўтарилмокда. Миллий анъаналар ва замонавий инновациялар уйғунлиқда мамлакат тараққиётига хизмат қилмокда.

ВАТАНПАРВАРЛИК

Ватанпарварлик — амал ва масъулиятдир. Ҳар бир юртдош халқ тақдири ва мустақиллик учун масъулдир. Ёшлар — замонавий, билимли

ва миллий ғурур билан бой, эртанги кунга ишонч билан қараб, янги жараёнларда фаол иштирок этмокда.

ТАРАҚҚИЁТ

Мустақиллик мамлакат руҳига янги куч, халқ онгига янги тафаккур ато этди. Илм, технология ва тадбиркорлик соҳаларида илгарилаш кузатилмокда. Иқтисодиётда барқарор тараққиёт, сиёсий соҳада очик мулоқот ва жамиятда фуқаролик масъулияти кучаймокда. “Адолатли Қозоғистон” ғояси айнан шу жараённинг мантиқий давомидир.

КАМОЛОТ

Мустақиллик халқни фидойиликка, ижодга ва янгилликка илҳомлантирди. Ҳар бир фуқаро ўз соҳасида юрт равнақиға хисса қўшмокда. Давлат ислохотлари фуқаролар имкониятини кенгайтирмокда ва билим ҳамда меҳнат орқали ютуққа эришиш муҳитини яратмокда.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК

Мустақиллик ўз иқтисодий йўлиминизни белгилаш имконини берди. Энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва рақамли технологиялар соҳасидаги ислохотлар мамлакатни янги босқичга олиб чиқмокда. Қозоғистон ўз табиий бойлиқларини оқилона бошқармокда, инсон капиталига сармоя жалб этилмокда ва экспорт салоҳиятини кенгайтирмокда. Келгусидаги вазифа — халқ руҳини, жамият онгини ва давлат тафаккурини ўзгартирган бу неъматни асраб-авайлаш ҳамда янги авлодга муносиб мерос қолдиришдир.

Янги Қозоғистон — халқ ишончи ва адолат руҳи билан битилган истиқлол тимсолидир.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

КОММУНАЛ СОҲА ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Жорий йил коммунал соҳада 220та иншоотнинг қурилиши режаланган бўлиб, уларнинг 121таси йил якунигача фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Бу ҳақда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раислигида ўтган девон мажлисида сўз борди. Йиғилишда коммунал соҳадаги лойиҳаларнинг ижроси ва қурилиш ишларининг сифати муҳокама қилинди.

Вилоят раҳбари масъулларга барча иншоотлар қурилишини қатъий назоратда ушлаш, сифат ва муддат талабларига риоя қилиш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисида вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси раҳбари ўринбосари Роза Ўлжабаева йил якунигача фойдаланишга топширилдиган бинолар ҳақида маълумот берди.

Ҳозирда вилоятни қариз тизими билан таъминлаш мақсадида 16та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шулардан 10таси йил

якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2025 йилда минтақани газ билан таъминлаш учун 80та иншоотнинг қурилишига маблағ ажратилган. Жорий йил 46та лойиҳа якунланиб, 43 аҳоли манзили табиий газ билан таъминланди. 34та лойиҳа келгуси йилга қолди.

Иссиқлик таъминоти соҳасида жорий йилда 3та иншоотга маблағ ажратилиб, 40,2 қақирим иссиқлик тармоқлари тўлиқ янгиланди. Кентовдаги иссиқлик-энерго марказидаги 6та



қозонхона қайта қурилди, 8та қозонхонага автоматлаштирилган бошқарув тизими ўрнатилди. Натижада, станциядаги турбоагрегатларнинг электр қуввати ишлаб чиқариш ҳажми 5 МВтдан 10 МВт гача ошди.

Йиғилишда вилоят йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармаси раҳбари Қуатжан Жуматаев ҳам ҳисо-

бот берди. Жорий йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан жами 288та иншоот ёки 1241,5 қақирим йўллар ва кўчалар қамраб олинган. Йил охиригача узунлиги 951,4 қақиримли 233 иншоотнинг фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Натижада маҳаллий аҳамиятга эга йўлларнинг яхши ва қониқарли улуши 94,7 фоизга етади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

САВРОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ХИТОЙДА

Хитой Халқ Республикасининг Сауан шаҳрида Туркистон вилоти Саврон тумани делегацияси иштирокида ҳамкорлик учрашуви ўтди.

Сафар доирасида делегация аъзолари ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишиб, тажриба алмашиш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди. Ташриф вилоят ҳокимининг топшириғи асосида амалга оширилди.

Делегация аъзолари Сауан шаҳридаги қатор йирик корхоналарда бўлиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги саҳифаларидаги замонавий технологиялар билан яқиндан танишишди. Жумладан, “Шинжан Хун Хи” ақлли қишлоқ хўжалиги машиналарини иш-



лаб чиқариш бирлашмасида замонавий техникаларни автоматлаштириш жараёни намойиш этилди. “Шинжан Шин Жиа Хи” қишлоқ хўжалигини

ривожлантириш бирлашмасида эса агротехник инновациялар ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарали усуллари ҳақида ахборот берилди.

Делегация аъзолари гилам тўқиш корхонасида ҳам бўлиб, ишлаб чиқариш технологияси билан танишди. “Шинжан Шин Тай Чيان Уи” фан-техника марказида замонавий фан ютуқлари ва юксак технологик лойиҳалар таништирилди.

“Сауан Шин Зи” қорвачилик фанлари бирлашмасида соҳани илмий асосда ривожлантириш, “Анжихай” қизил қалампир заводида қайта ишлаш технологияси ҳамда маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш тажрибаси ўрганилди.

Сафар довомида Саврон тумани ҳокими Мақсат Тангатаров икки томонлама ҳамкорликнинг минтақа тараққиётига муносиб ҳисса қўишини таъкидлади. Сафар доирасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқадиган битимларга эришиш режалаштирилган.

Сармоявий имкониятлар кенгаймоқда



Вилоятимизда сармоя жалб этиш, минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар самара бермоқда. Хорижий компаниялар билан ҳамкорлик доираси кенгайиб, янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу масалалар вилоят ҳокимининг ўринбосари Талғат Қўзбеков раислигида ўтган мажлисида муҳокама қилинди.

Тадбирда соҳа мутахассислари ва сармоядорлар иштирок этди. Йиғилишда минтақада амалга оширилаётган сармоявий лойиҳалар, “TURKISTAN” индустриал ҳудуди ҳамда “Turan” махсус иқтисодий ҳудудидаги долзарб масалалар юзасидан маълумотлар тингланди.

Шунингдек, инфраструктура билан таъминлаш, сармоядорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда маъмурий тўсиқларни камайти-

риш, ер майдонларини расмийлаштириш, тадбиркорларнинг тақлифларини инobatга олган ҳолда улар билан ҳамкорликни мустақкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Талғат Қўзбеков соҳа мутахассислари ва тегишли компания раҳбарларига мазкур лойиҳаларни амалга оширишда сифат ва белгиланган муддатга риоя қилиш зарурлигини таъкидлади.

“Сайрам марафон – 2025” спорт мусобақаси соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва спортни оммилаштириш мақсадида ташкил этилди. Тадбир Сайрам тумани ҳокимлиги ҳамда прокуратура ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми асосида ўтказилди.

“Гиёҳвандликка йўл йўқ!” акцияси доирасида уюштирилган марафон Интимақ қишлоғида бошланиб, Ширкин қишлоғида – 5,8 қақирим масофада давом этди. Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишланган марафонда жами 300га яқин киши иштирок этди. Мусобақа якунида туман ҳокими Мадияр Ўраалиев, туман прокурори

СОҒЛОМ ҲАЁТ САРҲАДИДА

САЙРАМ ТУМАНИДА “ГИЁҲВАНДЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ!” ШИОРИ ОСТИДА МАРАФОН ЎТКАЗИЛДИ



Бақитжан Байғазиев, туман полиция бошқармаси раҳбари Мурат Ермеков, “AMANAT” партияси Сайрам туман бўлимининг ижроия котиби Қуаниш Сиздиқовлар ғолиблар ва фаол иштирокчиларни табриклади. Улар тадбирнинг аҳамиятига тўхталиб, ёшларни зарарли иллатлардан йироқ бўлишга ва соғлом турмуш тарзини олиб боришга чақирди.

Ғолиблар ва фаол иштирокчиларга махсус диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Сайрам туман ҳокимлигининг матбуот хизмати.

»» Президент Мактуби – амал дастури

РАҚАМЛИ ЕР ХАРИТАСИ: АГРАР СОҲАДА ҚОИДАЛАР ҚАНДАЙ ЎЗГАРМОҚДА?

“Жорий йилда қишлоқ хўжалигига рекорд даражадаги триллион тенге ажратилди. Лекин асосий муаммо маблағ тақчиллигида эмас, аксинча, уларнинг қайтарими пастлигида”, деди Президент ўз Мактубида.



Президентнинг бу йилги Мактуби бутун қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ҳам аҳамиятли, ҳам огоҳликка даъват бўлди. Қозоғистон тарихида бундай маблағ ажратилмаган.

Самарадорлик сари биринчи қадам эса мамлакат стратегик захирасини бошқаришнинг ҳалол ва шаффоф қоидаларидир.

– Ер, шубҳасиз, мамлакат равнақи ва барча фуқаролар фаровонлиги йўлида ишлаши керак бўлган стратегик захирадир, – деди Президент ўз Мактубида.

Кенг кўламли текширув натижасида миллионлаб гектар майдонлар мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётгани ёки қонунга зид равишда ажратилгани аниқланди.

2022 йилдан буён давлат 13,7 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Бироқ, ҳозиргача фақат 6,2 миллиони қайта тақсимланган. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги иш осон эмаслигини тан олади, аммо вазият ўзгармоқда.

Ерларни тақсимлашда маҳаллий аҳолининг яйлловларга эҳтиёжи устувор бўлиб, қолган ерлар фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланмоқчи бўлганларга ажратилади, деб хабар берди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

Вазирлик ер сиёсатини рақамли қайта ишга туширишни бошлади. Кодексга ер ажратиш борасида барча тендерларни тўлиқ электрон шаклга ўтказишни назарда тутувчи ўзгартиришлар тайёрланди. Бу ер комиссиялари йиғилишларини, қўлда ажратиш ва кўп босқичли тасдиқлашни тугатишни аниқлади.

– Тендер ўтказиш муддатлари деярли икки баравар қисқартирилади. Ғолиб давлат маълумотлар базалари билан интеграциялашган мезонлар бўйича автоматлаштирилган тизим орқали аниқланади. Бу шаффофликни таъминлайди ва уюшган жинойтчилик хавфини бартараф этади, – дейилади вазирлик хабарида.

Тўғри маълумотларсиз адолатли қарорлар бўлмайди. “Қоғозда” экин майдонлари, оширилган тахминлар ва “ўртача” ҳосилдорлик – буларнинг барчаси бюджетга ҳам, деҳқонларга ҳам қимматга тушди.

Шу сабабли, сунъий йўлдош мониторинги ва AI ёрдамида нима экилгани, қачон далага чиқиш яхшироқ, қаерда кам ўғит берилган ва қаерда қасалликлар мавжудлиги аниқланади. Шу асосда мақсадли субсидиялар берилади.

Лойиҳанинг давлат реестрлари ва “Рақамли Қозоғистон” платформаси билан боғлангани ҳам муҳим. Бу шуни аниқлатадики, тадқиқот натижалари қоғозда қолмайди, балки ҳозирда деҳқон хўжаликларида қўлланилиши мумкин.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.

ТӘУЕЛСІЗДІК – МӘҢГІЛІК ЕЛДІҢ ТҰҒЫРЫ



25 қазан – Республика күні – бұл күн халқымыздың ғасырлар бойы арманы мен азаттығының айқын көрінісі, егемен ел ретінде тарих сахнасына шыққан сәтінің нышаны. Бұл – мемлекетіміздің дербес жол таңдап, өз тағдырын өзі шешуге бет алған тарихи кезеңін еске түсіретін ұлық мереке.

1990 жылдың 25 қазанында қабылданған «Қазақ КСР-нің мемлекеттік егемендігі туралы декларациясы» – еліміздің тәуелсіздікке бастар алғашқы қадамы еді. Осы құжат арқылы қазақ халқы өз жері мен байлығына ие екенін, өзінің ұлттық мүддесін қорғай алатынын айқын көрсетті. Бұл – болашақ Тәуелсіз Қазақстанның іргетасы болды.

Бүгінгі таңда Республика күні – ұлт рухын көтеретін, елдік сананы жаңғыртатын мереке. Бұл күн – жастарға ел тарихын, егемендіктің қадірін ұғындыратын, мемлекетшілдік рухы күшейтетін күн.

Президент Қасым-Жомарт Тоқаев атап өткендей: «Республика күні – бұл біздің мемлекеттігіміздің бастауы, ұлттық жаңғыру мен болашаққа деген сенімнің символы».

Осы жылдар ішінде еліміз әлемге бейбітшіл, дамушы мемлекет ретінде танылды. Экономикасы тұрақты, мәдениеті бай, тілі мен дәстүрін қадірлейтін Қазақстан бүгінде халықаралық қауымдастықтың беделді мүшесі. Егемендік – бұл тек саяси ұғым емес, бұл – жүректегі мақтаныш, санамыздағы жауапкершілік.

Бүгін біз Республика күнін мерекелей отырып, ел бірлігін, тәуелсіздіктің қадірін, жасампаз еңбектің құнын сезінеміз. Бұл мереке әрбір қазақстандықтың жүрегінен орын алуы тиіс. Өйткені, егемен елдің ертеңі – білімді, патриот жастардың қолында.

Тәуелсіздік пен Республиканың туы мәңгі желбірей берсін! Бірлігіміз бекем, болашағымыз жарқын болсын!

Наргиза МОМЫНЖАНОВА,
«Сайрам көмекші мектеп-интернат-колледжі» арнайы кешен» КММ-нің тәрбиешісі.

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРЛИК ТАНТАНАСИ

ЁХУД БАЙРАМДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР...



ҚХАнинг 30 йиллик санаси доирасида Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни” ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Вилоят зиёлилари, ҚХА аъзолари, унинг ҳузуридаги тузилмалар, этномаданият бирлашмалари, вилоят маслаҳати депутатлари, Ассамблея ёшлари иштирок этган байрам илик кутиб олинди. Карнай-сурнай садолари остида миллий либосдаги қизлар меҳмонларни кутиб олишлари, улар ижросидаги миллий рақслар байрамга алоҳида файз бағишлади.

Миллатлар ҳамжиҳатлигининг рамзига айланган ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида ўтказилаётган йирик анжуман – халқ сайлини ташкил этиш, масъулият талаб этиладиган жараён. Вилоят марказида шу тахлитдаги тадбирларни уюштиришда жонбозлик кўрсатаётган Туркистон вилоят ЎЭМБ раиси Баҳодир Ирисметов билан суҳбатлашиб, байрам арафасидаги саъй-ҳаракатлар, ташаббуслар тафсилотлари билан қизиқдик.

– Жорий йилги байрам ўзгача руҳда ўтди, – дейди Б. Ирисметов. – Барча тадбирлар ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида алоҳида тайёргарлик, ўзгача ташаббус ҳамда гоёлар билан ўтганига гувоҳсиз. Байрам учун “Дўстлик уйи” атрофида кичик шаҳарча барпо этдик. Вилоят миқёсида фаолият юритаётган турли этнослар учун “Дўстлик уйи” қошонасининг очилиши айнани муддао бўлди. Миллатимиз вакиллари билан вилоятимиздаги улуши ҳисобга олинганлиги учунми, бизга барча шарт-шароитлари



лишини таъминладик. Меҳмонларимизга тақдим этиладиган ҳадяларимиз ҳам ўзбекона руҳда, қадриятларимизни ўзида мужассам этишини кўзлаб, махсус буюртма асосида тайёрлатдик. Ваҳоланки, дўстлик, ҳамжиҳатликнинг барқарорлик йилларидаги бетақдор санасига бағишлаб ўтказилаётган тантана ҳам авлодлар хотирасида йиллар мобайнида сақланиб қолиши учун имкон

асарлари, миллий мавзулардаги кўргазмалар билан бирга, алоҳида сўриларда ҳар бир мактаб жамоаси миллатимизнинг урф-одатларини намойиш этишди.

Мустақиллик йилларида фаолиятини бошлаган Б. Ирисметов гоёси билан фаолият юритаётган “Карвонсарой” чойхона-мажмуаси ташкил этилганига салкам 35 йил тўлмоқда.

Тадбирнинг уюшқоқли ўтишида вилоятимизга қарашли барча туманлар ЎЭМБ раислари ҳамда бирлашма аъзолари фаоллик кўрсатишди. Б. Ирисметов ташаббуси билан Қазигурт туманидан 40 нафар ҳамда Келес, Сарюғоч, Жетисай, Мақтаарал туманларидан жами 50 нафар нуронийлар учун махсус автобусда Туркистон шаҳрига саёҳат уюштирилди. Қарийб 100га яқин ҳамюртларимиз қадриятларимиз байрамида иштирок этиб, шаҳарни зиёрат этиб қайтиш-

ди. Тантананага ташриф буюрган 250га яқин меҳмонларга “Карвонсарой” мажмуасида байрам дастурхони уюштирилди.

Улкан тадбирни ўтказишнинг ўзи бўлмади, – дейди Б. Ирисметов, – ушбу муҳим тадбирда ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдами аямаган эл ўғлонларидан миннатдорман. Алмати шаҳар ЎЭМБ раиси Абдулла Исмаилов, тадбиркорлар Ғайрат ҳамда Мирзахон Ақешовлар, Саидбек Абдусатторов, Улуғбек Ибодуллаев, Асадбек Қулметов ҳамда бошқа саховатпеша тадбир-

корларимиз ўз ҳимматини аяшмади. Туркистон вилоят ЎЭМБ кенгаши аъзолари – оқсоқоллар кенгаши раиси Зуппархон Чолдонов, раис ўринбосари Замир Муҳаммаджонов, бирлашма қошидаги хотин-қизлар кенгаши раисаси Муҳаббат Иброҳимова, бирлашма раиси ўринбосари Бахтиёр Шомуродов, Туркистон шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюпов, Саврон туман маслаҳати депутати Хуршид Шаропов, Қарноқ кишлоқ ЎЭМБ раиси Бекзод Ҳабибовлар тадбирнинг уюшқоқли ўтишида жонбозлик кўрсатишди. “ART” студияси раҳбари Отабек Сапаров, Отатурк номидаги мактаб ўқитувчиси Нодири Юсупова, А. Навоий номи 13-сонли мактаб-гимназия директорининг ўринбосари Умида Ғанибоева, Амир Темур номидаги мактаб ўқитувчилари – Наргиза Олимова ҳамда Индира Исҳоқова, С. Раҳимов номидаги мактаб ўқитувчиси



Шарбон Абдалимова, Ҳамза номи 2-сонли мактаб директорининг ўринбосари Зулфия Ғофурова, Ш. Ниёзов номидаги мактаб директорининг ўринбосари Саидқарим Абдурашидовлардан миннатдоримиз.

Туркистон шаҳар ЎЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров, Кентов шаҳар ЎЭМБ раисаси Санобар Самиева, Сайрам туман ЎЭМБ қошидаги оналар кенгаши раисаси Зумрад Аҳмедовага ташаккур. Улар шодиёнаннинг файзли ўтишида хизматларини аяшмади.

Ҳамжиҳатлик тараннум этган, миллатлараро тотувлик ришталари чамбарчас боғландиган бу каби тадбирлар ҳамда анжуманлар бардавом бўлсин.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Тўйхат ўрнида

ҲУРМАТЛИ ҲАМҚИШЛОҒИМ ҲАҚИДА

Эски иқонлик қалби пок меҳнат фахрийси, қадрли устоз, ёшларнинг жонқуяр маслаҳатчиси, моҳир шоир, нотик Айниддин Абубакировни (тасвирда) ёшу қари бирдек ҳурмат қилади.

У 1936 йили 25 октябрь куни деҳқон оиласида туғилган. Ўртамактабдан сўнг, Туркистон педагогика билим юртида, Тошкентдаги Низомий номидаги давлат педагогика олийгоҳида олий билим олди. Қадрдон кишлоғидаги ҳозирги Аҳмад Яссаевий номли мактабда бошланғич синф ҳамда математика фани ўқитувчиси бўлиб, 40 йил узлуксиз меҳнат қилди. Меҳридарё муаллимлари Дадаш Маннотов, Тўғон Султонов, Тўймат Раҳимов, Манноп Хидиралиев, Абдулаҳад Хўжаев, Бобош Тошбоев, Шомиддин Йўлдошевлардан устозлик сирларини ўрганиб, амалда қўлланди. Кишлоғимизнинг элга таниқли фуқаролари Дониш Маннотов, Муталлиб Йўлдошев, Қажрамон Қўчқоров, Зуппархон Чолдонов, Муборак Қосимов, Марҳамат Маменова, Раҳматжон Абдусатторов каби кўплаб иқтидорли шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Устозлик фаолияти давомида иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида А. Яссаевий номли мактабда икки марта туман математиклари иштирокида семинар ўтказилиб, унда ўқиган маърузаси юқори баҳоланган. Туман педагогика кабинети томонидан махсус плакат ишланиб, мактабларга тарқатилган.

А. Абубакиров 1977 ва 1979 йиллари туманнинг “Йил ўқитувчиси” фахрий унвонига сазовор бўлганлиги, икки марта “Социалистик мусобақа голиби” кўрак нишони, Буюк Ғалабанинг 65, 70, 75 ва 80 йиллигига бағишланган юбилей медаллари билан тақдирланганлиги унинг самарали меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

»» Обуна – 2026

ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБДАН ЎРНАК ОЛИНГ

Туркистон шаҳридаги энг кўхна билим даргоҳи – тажрибали устоз Дилбар Дийметова (тасвирда) самарали раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактаб жамоаси 2026 йилнинг биринчи ярмига 200 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига обунани расмийлаштирди.

Қатор йиллар бадалида вилоят миқёсида она тилимиздаги давлат нашри обунасида, эл бирлиги, тотувлиги мақсадидаги анжуманларда фаол иштироки билан пешқадам бўлиб келаётган мактаб устозлар жамоасини барчага ибрат этиб, намуна олишга чорлаймиз. Айни пайтда ўқув даргоҳида 1605 ўқувчига 170 тажрибали устозлар таълим-тарбия беришмоқда. Жорий йили биринчи синфга 101 ўқувчи қабулланди. Бу – шаҳардаги энг юқори кўрсаткич.

»» Бебаҳо дурдоналар

Халқ мақоллари

Доно билан нодон бир булоқдан сув ичмас.

Доно билан юрсанг,

доно бўласан,

Аҳмоқ билан юрсанг,

расво бўласан.

Доно – донога ёр,

Аҳмоқ – дўстага зор.

Доно – дурдан аъло.

Доно минг яшар,

Нодон бир яшар.

Доно нақли – ҳаёт ақли.

Доно сўзига бино қўяр,

Нодон – ўзига.

Доно сўзини тергар,

Нодон – кўзини.

Доно ўйлаб айтар,

Нодон – ўйнаб.

Доно қариса ҳам, донолиги қаримас.

Интернет
саҳифаларидан.



яратилган хоналар ажратилди. Кузнинг боҳаво кўнларида байрамни очик ҳавода ўтказишга қарор қилдик. Зеро, байрамга ташриф буюрган меҳмонлар байрам тадбирини томоша қилиш билан бирга, ўзбекона руҳни ҳис қилишса, анъаналар, урф-одатлар ичида аяшаётгандек таассурот олиши учун махсус сўрилар урнатдик. Ҳар бир сўри миллий нақшлар битилган газламалар – адрас, атласларимиз билан безати-

қадар ҳаракат қилдик. Байрам ўтишида жонбозлик кўрсатган, биз билан биргаликда елкама елка туриб, юзага келган ҳар қандай масалани жойида ҳал қилган ҳамюртларимиздан миннатдоримиз. Зеро, халқ ишига доим ҳозир нозир турган бирлашмамиз аъзолари ҳақиқатан фидойиликда беназир эканликларини исботлашди.

Ўқитувчилар раҳбарлигида шогирдлар тайёрлаган санъат



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортикбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Сарюғоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилоят ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродрарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг турилиши учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
«Фондациянинг мақолалар ва эълон жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPU0022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR”-print МББ бошқарувида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.

Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65446.

Адади – 10300 нусха.

Биринчи
2412.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.